

Раҳмонов Баҳром Баҳодир ўғли: *“Халқаро ҳисоб-китоблардаги рискларни бартараф этиш йўллари”*. (5A230701-“Банк иши (пул муомаласи ва кредит бўйича)”).

Илмий раҳбар: проф. Қодиров А.

Тадқиқотнинг мақсади. Халқаро ҳисоб-китоблар, уларнинг шакллари, улардан фойдаланиш амалиётини ўрганиш ва таҳлил этиш, шунингдек, халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган рисклар ва уларни юзага келиш сабабларини илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш. Халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган рискларни камайтириш ва олдини олиш борасида илмий-амалий тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг вазифалари.

- халқаро ҳисоб китобларнинг моҳияти ва шакллари тадқиқ этиш;
- халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган рискларни илмий ва амалий жиҳатдан чуқур ўрганиш ва таҳлил этиш;
- халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби ва уларни таҳлилқилиш ҳамда тегишли хулосалар шакллантириш;
- республикада амалиётда қўлланилаётган халқаро ҳисоб-китоб шакллари ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш билан боғлиқ рискларни камайтириш юзасидан илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.